Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва
уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги.

№ 8701-9367-2b7f-f16c-0869-6407-3455
Ҳужжат яратилган сана: 2024-11-06
Ариза рақами: 156919807

Ҳужжат берилган: "UNAR PRO" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT
СТИР: 300753677

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент шахар Қурилиш бош бошқармаси

Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи органининг

2024-11-06 даги 156919807 -сонли

# ХУЛОСАСИ

| т/р | Тақдим этиладиган маълумотлар | |
|---|---|---|
| **1.** | Ариза рақами: | 156919807 |
| **2.** | Мурожаат этувчи Лойиҳа ташкилотининг номи: | "UNAR PRO" MChJ |
| **3.** | Лойиҳа-смета хужжатларининг буюртмачиси номи: | “SLADOLTIN” МЧЖ |
| **4.** | Объект манзили: | Учтепа тумани, Давлатобод МФЙ, Юсуф Саккокий кўчаси, 17а-уй |
| **5.** | Лойиҳа-смета хужжатларининг номланиши: | “Toshkent shahar, Uchtepa tumani, Davlatobod MFY, Yusuf Sakkokiy ko`chasi, 17a uy manzilida joylashgan mavjud binoni buzulishi hisobiga turar-joy kompleksi qurish” |
| **6.** | Архитектура-режалаштириш топшириғининг реквизитлари: | 1726-1726262-197962 |

## Лойихани кўриб чиқиш натижаси

| т/р | Категория | Натижа | Изох |
|---|---|---|---|
| **1.** | Сўровноманинг тўғри тўлдирилганлиги: | Ижобий | |
| **2.** | Объект бош режасининг ечими тўғри топилганлиги: | Ижобий | |
| **3.** | Объектнинг меъморий ечими тўғри топилганлиги: | Ижобий | |
| **4.** | Лойиҳада автотураргоҳ масаласи ҳал этилганлиги: | Ижобий | |
| **5.** | Қурилиш чизиғига амал қилинганлиги: | Ижобий | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **6.** | Ситуацион планда аниқ кўрсатилганлиги: | Ижобий | |
| **7.** | Ёнғин ҳавфсизлиги ва санитария талабларига амал қилинганлиги: | Ижобий | |
| **8.** | Лойиҳада имконияти чекланган шаҳсларинг манфаатлари ҳисобга олинганлиги: | Ижобий | |
| **9.** | Лойиҳада энергиясамарадорлик талабларига амал қилинганлиги: | Ижобий | |
| **10.** | Лойиҳа ташкилоти лицензия орқали рухсат берилган соҳа доирасидан ташқари объектнинг лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги: | Ижобий | |
| **11.** | АРТ талабларидан четга чиқиш: | Ижобий | |

**Алоқадор ташкилотларнинг хулосалари:**

**Ҳудудий ёнғинга қарши назорат хизмати:** Келишилган;
**Қўшимча маълумотлар:** Djurayev Xikmat Maxamadovichga ХУЛОСА Учтепа тумани ФВБнинг “12” сентябрь 2024 йил кунидаги 23/31-1480 сонли хулосасига асосан ЯИДХПдан келиб тушган 156919807-сонли мурожаатда “UNAR PRO” МЧЖ лойиҳа ташкилоти томонидан Тошкент шахар, Учтепа тумани, Давлатобод МФЙ Юсуф саккокий кўчаси 17а-уй манзилида мавжуд биноларни бузилиши хисобига турар-жой комлекси бўйича эскиз лойихасини ўрганиб чиқиб шуни маълум қиладики ШНҚ 2.07.01-03 1-мажбурий илова 15* бандига асосан йўллар лойиҳаланганлиги, ШНҚ 2.07.01-03 1-мажбурий илова 1-жадвалига асосан ҳамда ён атрофда жойлашган бинолар кўрсатиб ўтилганлиги, СНиП 21-02-99* 5.33-банд 3-жадвалига мувофиқ ер ости автотураргоҳи отсекларга бўлинганлиги, ШНҚ 2.08.01-19 Турар жой бинолари 6.14-бандига мувофиқ автотураргох қавати 1-типдаги қаватёпма билан ажратилганлигини инобатга олган холда эътироз билдирмайди ва ШНК 1.03.01-16 меъёрий хужжатининг 5.9-банди талабларига асосан ишлаб чиқилган лойиҳа хужжатларини барча бўлимларини ёнғинбардошлилик ва зилзилабардошлилик бўйича экспертизадан ўтказилиши таъминланиб, “Шаҳарсозлик” кодексининг 60-моддасига риоя қилинсин ва Тошкент шаҳар ФВБ билан келишилсин. Учтепа тумани ФВБ бошлиғи Н.Усмонов ;

**Ҳудудий санитария-эпидемиология хизмати:** Келишилган;
**Қўшимча маълумотлар:** “29” октябр 2024 йил Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Учтепа тумани бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрель кунидаги “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сонли қарорининг 4-илова маъмурий регламентига асосан Лойиҳа-смета хужжатларини кўриб чиқиш ва келишиш юзасидан ЯИДХПдан келиб тушган 156919807-сонли мурожаатда “UNAR PRO” МЧЖ лойиҳа ташкилоти томонидан Тошкент шахар, Учтепа тумани, Давлатобод МФЙ Юсуф Саккокий кўчаси 17а-уй манзилида мавжуд биноларни бузилиши хисобига турар-жой комлекси бўйича эскиз лойихасини ўрганиб чиқиб Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 0350-17 сонли “САНИТАРНЫЕ НОРМЫ И ПРАВИЛА ПО ОХРАНЕ АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА НАСЕЛЕННЫХ МЕСТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАНА” санитария қоида ва меъёр талаблари 6 банди ижроси яъни атрофдаги ёндош бинолар билан санитар химоя минтақасини саклаб хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш, бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 11 августдаги ПФ-189-сонли Фармонига асосан ва Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 0329-16 сонли Санитария Қоида ва Меъёр талаблари ва Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 0331-16-сонли “Санитарный правила и нормы проектирования, устройство, содержания жилых домов в климатических условиях Узбекистана” санитария қоида ва меъёр талаблари асосида ташкил этиш

шарти билан эътироз билдирмайди. УЧТЕПА ТУМАНИ СЭО ВА ЖС БЎЛИМИ БОШЛИҒИ А.Б.ХАСАНОВ ИЖРОЧИ: Ж.ТАНИЕВ ТЕЛ:71-217-22-79;

**Хулосани тасдиқлаган ходим:** O`zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi;




Маъқулланди:

1. Хулоса берувчиларнинг хулосасида кўрсатилган талабларни бажариш, мухандислик тармоғидан химоя масофаси сақлаш ёки ўз хисобидан кўчириш, дарахтларни сақлаб қолиш шарти билан, юридик хужжатга эга тегишли ер майдони қисмида, лойиҳа ишларини давом эттириш.

2. Лойиҳалаш жараёнида АРТда кўрсатилган талабларни бажариш талаби белгиланди.

Қуйидаги талаблар: Лойиҳада келишиб берилган барча бино ва иншоотларда тунги ёритиш тизимини ўрнатиш талаби белгилансин ва ушбу талаб лойихада кўрсатиб ўтилсин.

Кенгаш аъзолари томонидан юқорида кўриб чиқилган лойихалар юзасидан ШНҚ асосида хар бир берилган талаб ва шартлар тегишлилиги бўйича назоратга олиш ва ушбу ишлар амалга оширилмагунга қадар Тошкент шахар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги сохасида назорат қилиш инспекцияси бино фойдаланишга қабул қилинмаслиги назоратга олсин.

"Худудий электр тармоқлари" АЖнинг Тошкент шахар филиали, "Hudud gaz poytaxt" газ таъминоти филиали, Тошкент шахар "Сув таъминоти" МЧЖ директорлари хар лойихани аниқ хисоб китобларга таянган холда юкламалар яратиш шартларини аниқ белгилаб берсин. Белгиланган меъёрлардан ошиқча юкламаларда ишлаётган худудларда коммуникация тармоқларига уланишга йўл қўймасин.

Экология, атроф-мухитни мухофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Тошкент шахар бошқармаси хар бир худудни ўоганиб, юқоридаги хар бир лойихалар учун иқлим шароитига мос бўлган айланаси 18 см.дан, баланлиги 3 метрдан кам бўлмаган дарахтлар, 6 литрдан кам бўлмаган буталар экилишини назорат қилсин. Лойиҳалаш жараёнида атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳаси (ЗВОС) олиш шарти белгилансин.

Лойихада мухандислик тармоқларининг юкламалари инобатга олган холда техник шартлар олиш ва ушбу техник шартлар талабларини бажариш хамда уларга туташ худудларининг кўкаламзорлаштириш (дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва навнихолларни экиш) майдонлари лойиха учун ажратиладиган ер участкалари умумий майдонинг 25 фоизидан кам бўлишига йўл қўйилмаслик талаби белгилансин.

Лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳалаштирилаётган биноларда углеводородлар ва электр энергияси истеъмолини камайтириш мақсадида, энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш, иссиқ сув таъминоти, ёритиш ва бивалент иситиш тизими учун фотоэлектрик тизимлар, гелиоколлекторлар ва иссиқлик насосларини ўрнатиш, мухандислик тармоқларини хам инобатга олинсин.

Лойиҳаларни кўриб чиқиш натижаси бўйича мутасадди бошқармалар ўз йўналиши бўйича маъсул эканлиги белгилаб қўйилсин.

Мазкур ҳудудда лойиҳа асосида қурилиш ишларини олиб бориш учун ён қўшниларни розилигини олиш тавсия этилади.

Ушбу хулоса қурилиш ишларини бошлашга асос бўлмаслигини, шунингдек, хулоса талаблари бажарилмаган тақдирда хамда тегишли ер майдони чегарасидан чиқиб кетган холда лойихалаш ишлари олиб борилган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда хулосани бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкинлигини ва бундай ҳолатда жавобгарлик лойиҳа ташкилоти зиммасига юклатилишини маълум қиламиз.

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини repo.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

5322